

**ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ
ҲИМОЯСИ****Мухитдинова Фируза Абдурашидовна***ТДЮУ, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва
тарихи” кафедраси профессори,
юримик фанлари доктори.,***Феруза Лутфуллаева***ТДЮИ қошидаги академик
юримик лицей ўқитувчиси*

Аннотация: Мақолада янгиланган конституциянинг мазмун-моҳияти, киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг аҳамияти ёритилган. Муаллифлар томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид янгиланган модда ва нормалар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: конституция, ўзгартириш, вўшимча, норма, модда, инсон, ҳуқуқ, эркинлик.

Бугунги кунда барча фуқароларимизни ҳам, хорижий эксперт, олимларни ҳам қизғин муҳокамалари билан қизиқтираётган масалалардан бири бу эълон қилинган Конституциявий Қонун лойиҳаси ҳамда унинг асосий эътиборли жиҳатларига бўлган муносабатдир. Чунки, халқдан келиб тушган 220 мингдан ортиқ таклифларнинг ўзи халқимизнинг жамият ва давлат ишларига бефарқ эмаслиги, ўзининг таъвишлария, муаммоларининг ечимини кутаётганликлари, ҳар бир оддий инсонга тегишли ҳуқуқ ва эркинлигининг конституциявий ҳимоясига эҳтиёж кўпайганини яққол ифодасидир.

Эътиборли жиҳати, сўнгги йилларда аҳоли сони борган сайин ортаётгани, оиладагиларнинг турмуши еичм кутаётган муаммоларга дуч келганини, яъни оилалар кўпайганининг ўзи ҳар бир оилага бошпана, ҳар бир фуқаронинг иш бандлиги, муносиб турмуш тарзини белгилайдиган ҳуқуқий асослар талаб этишининг гувоҳи бўлди. Ҳуқуқшунос сифатида республикаимиз вилояти ва чекка ҳудудларида ҳам шу нарса кўзга ташландики, муаммоларнинг ечимини хориждан топишга ҳаракат қилган фуқароларимиз, айниқса, ёшларнинг четга чиқиб кетиш ҳоллари кўзатилади, ота-оналарнинг эътирозига сабаб бўлган. Иккинчидан, меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлашга бўлган сунъий тўсиқлар ҳам истеъдодли, иқтидорли ёшларнинг, фуқароларимизнинг ҳақли эътирозини кўрсатгани, пенсияга чиқиши билан иш ўрнини бўшатиш, ёки яқин қариндошлар ўртасидаги судланганлик ҳолати давлат ташкилотларида ишлашга тўсқинлик қилганининг гувоҳимиз. Яна бир ҳақиқат, йиллар дваомида таълим тизимида фаолият юритар эканман, дилимни оғритган ҳолат: йил сайин олий таълимга қамров айниқса, давлат грантининг камайиб

боргани, иқтидорли ёшларимизнинг мамлакат ташқарисига кетишига сабаб бўлганини гапириш жуда оғирли. Мени яна бир нарса ўйлатар эди, коллеж тизими ўзини оқлай олдимиз?, эндигина 9-синфни битирган ўқил-қизларимиз шаҳар, туман, районнинг иккинчи бир чеккасига ўқишга қатнагани, қанчалик жамиятимиз учун натижа берди?-деган савол мени қийнайди? Нега, ажримлар кўпайди? Касбга эга бўлган бўлса, оила мустаҳкам бўлмасмиди? Шу боис ҳам, иқтидорли ёшларимизнинг хорижга кетгани, яхши истеъдодли қизларимиз ўқишга яъни олий таълимда контракт ўлай олмай, ҳаёт қийинчиликларига дуч келганини ҳам яхши биламиз. Тўртинчидан, ўзи ёрдам ва кўмакка муҳтож бўлган фуқароларимиз, айгунча, ногиронлик масалаларини белгилашдаги сарсон-саргардонлик: тиббий соҳадаги сунъий тўсқинликлар ҳам ўзи бетоб, ижтимоий химояга муҳтож қатламнинг норозилигини оширган бўлса, устоз ва муаллим шаъни, кадр-қиммати жамиятда анча пасайгани на қадриятларимизга, на қонунчиликда оқлаб бўлмайдиган ҳолат бўлди. Нега деганда, азалда “Устоз улуғланган юрт бўлганимиз учун ҳам, Бухорий, Мотрудий ва қомусий олимлар Беруний, Ибн Синолар юрти сифатида эътироф бўлган халқимиз. Агар бозор муносабатларида фақат моддий жиҳатдан пул топиш масаласини кўтариб, илм, маърифат ва маънавият, ахлоқ ва қадриятлар иккинчи ўринга тушса, бу жоҳилликнинг асосий белгисидир. Мазкур эътироз ва камчиликларни бартараф этиш учун ҳам халқимизга албатта ҳуқуқий кафолат, уларнинг ечимини таъминлайдиган ҳуқуқий давлат, ҳплқнинг оғирини енгил қила оладиган ижтимоий давлатнинг Конституциясига эҳтиёж сезилди. Демак, ОАВда эълон қилинган янгиланаётган Конституциянинг ҳар бир моддаси инсон қадри, шаъни ва манфаатини кўзлагани билан халқ Конституцияси бўлаётганлигидан далолат беради. Мазкур халқчил Конституция лойиҳасидаги моддалар сони амалдаги 128 тадан 155 тага, нормалар сони 275 тадан 434 тага ошгани билан Асосий қонунимизнинг 65 фоиз матни халқимиз таклифлари асосида янгилангани диққатга сазовордир. Дарҳақиқат, Янгиланаётган конституциянинг 1-моддасига кўра, “Ўзбекистон – суверен, демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат экани қатъий белгилаб қўйилмоқда. Эътибор беринг: илк бора Конституцияда Ўзбекистон – ижтимоий давлат деб белгилангани диққатга сазовор бўлдики, унинг амалий исботи бүгунгит кунда давлатимизга бўлган хорижий давлатларнинг эътибори ва ишончининг юксаклигида ҳам намоён бўлмоқда. ШХТ, Туркий давлатлар ташкилотининг иштирокчи давлатларининг эътиборини кузатадиган бўлсак, халқ фаровонлиги таъминланган юртга бўлган муносабатнинг асл мақсади: инсонги бўлган конституциявий кафолатнинг тан олинишидир.

Энди фуқароларимиз шуни англамоқдаларки, ижтимоий давлат деганда, инсонга эътибор ва ғамхўрлик қилиниши давлат томонидан таъминланаётгани қоғоздамас, амалда эканлигининг Янги Конституциявий Қонун моддаларида таҳлил

этсак, уларга кўра, давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ Конституциядаги нормалар 3 баробарга кўпайганини кўрамиз.

Жумладан, янгиланган Конституцияда ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланмоқда. Мазкур норманинг белгилангани ҳар бир фуқаро, айниқса, ёш оилаларнинг ўз хонадонига эга бўлиши, шахснинг ижтимоий барқарорлиги ва ҳаётдан розилик даражасини оширади. Бошпана бўлиб, бандлиги таъминланмасачи? Унда фуқаро ҳаётдан рози бўлармикан? –деган саволга Конституциямизнинг 43-моддасида “Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек камбағалликни қисқартириш чораларини кўради. Давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этади ҳамда рағбатлантиради.

Ҳар ким ишсизликда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамланмоқда. Ҳар бир инсоннинг ишсизлик шароитларида кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланмоқда”-деган норма киритилгани эътиборга лойиқдир.

Иккинчидан, 42-моддасига қарасак, унда “Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланди.

Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади”-дейилган норма қўшилган. Мана эндиликда ёш келинлар, аёллар, ёш фарзанди ҳамда ҳомиладорлиги учун ишга қабул қилинишининг ҳуқуқий ечими ҳатто кафолати Конституцияга киритилиши асрий орзу эмасми? Айниқса, 44-моддада белгиланган болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланиши, Учинчи Ренессанс пойдевори бўлган азиз фарзандларимизнинг шахсий ҳуқуқларининг кафолати эмасми?

Учинчидан, аҳолини кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиши кафолатланган. Умуман, аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар кўпайтирилгани таҳсинга лойиқдир. Бу аҳоли соғлиғини ишончли муҳофаза этиш ҳамда аҳоли, оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда муҳим рол ўйнашини барчамиз яхши биламиз.

Ижтимоий давлатга хос бўлган таълим соҳасини қўллаб-қувватланиши бўйича ҳам янги модда ва нормалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман. Асосий

Қонунга кўра, таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб 2 баробарга оширилди. Энг қувонарли томони, ёшларимиз учун олийгоҳларга давлат гранти ҳисобидан ўқиш ҳуқуқи қатъий белгиланиши билан бирга, давлат грантларининг ошиб бориши, шунингдек яна бир эътиборли жиҳати фуқароларнинг бепул бошланғич касб-ҳунарга ўқитилиши белгилангани янги Ўзбекистоннинг асосий тамойилининг конституциявий кафолати дегим келади. Бу ўз ўрнида давлат томонидан оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларининг мустаҳкамланганидир. Яна бир томони, фарзандлар тарбияси, уларга таълим бериш, баркамол вояга етказиш ҳам ота-она мажбурияти сифатида белгилангани: Биринчи ва Иккинчи Ренессанс давомчиларининг маънавий камолотининг конституциявий тасдиғи, десам муболаға бўлмайди. Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг бурчи сифатида белгилангани: Учинчи Ренессанс пойдевори эканини белгилаган нормадир.

Яна бир муҳим янгилик сифатида ногиронлиги бор болажонларимизга ўз тенгдошлари билан бир хил таълим олиши учун барча шароитлар яратилди. Шунинг учун, бундай имкониятлар инклюзив таълим сифатида Конституцияга киритилди. Бу шундай нуқсонларга эга болаларимизнинг яккаланиб қолмаслиги, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида шаклланиши ва камол топиши учун жуда муҳимдир.